O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 18 июнь, № 121 (4784) Пайшанба

# ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ЖАДАЛ РИВОЖИ

## турмуш фаровонлигини янада оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади

***Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар натижасида иқтисодиётнинг барча тармоқларида улкан муваффақиятларга эришилмоқда. Хусусан, ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг модернизация қилиниб, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозланиши улар ривожида муҳим омил бўлмоқда.***

МОДЕРНИЗАЦИЯ

Бу эса, ўз навбатида, корхоналарга импорт ўрнини босувчи, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини бераётир.

Навоий шаҳридаги "Навоий машинасозлик заводи" ишлаб чиқариш бирлашмаси фаолияти бунинг яққол мисолидир. Гап шундаки, ушбу корхонада олиб борилган техник ва технологик янгиланиш туфайли ишлаб чиқариш ҳажми кўпайди. Масалан, республикамиз завод ва корхоналарида қўлланилаётган чилангарлик, токарлик ва ёғочсозлик дастгоҳлари ҳамда уларнинг эҳтиёт қисмлари илгари фақат хориждан импорт қилинган бўлса, эндиликда бундай маҳсулотларнинг эллик фоизи мазкур заводда тайёрланмоқда.

Завод айни пайтда Навоий, Бекобод, Ангрен, Тошкент, Таллимаржон сингари шаҳарлардаги кўплаб йирик ишлаб чиқарувчи корхоналарга буюртма асосида дастгоҳлар етказиб бераяпти.

Бундан ташқари, бу ерда тайёрланаётган маҳсулотларнинг бир қисми Қозоғистон ва Туркманистон давлатларига экспорт қилинмоқда.



**СУРАТДА:** йиғув цехи чилангарлари М. Жумаева ва С. Тоғаева.

**Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.**



*16-17 июнь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.*

# ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси Н. Алимов «Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Қонун лойиҳасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги кўп сонли археология мероси объектларини аниқлаш, ўрганиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш тартиби белгилаб қўйилган. Унда археология мероси объектларига бўлган мулк ҳуқуқи, археология мероси объектини Маданий мерос объектларининг давлат кадастрига киритиш ва ундан чиқариш, тегишли давлат органлари ва ташкилотларининг мазкур соҳадаги ваколатлари, археология ашёларини ҳисобга олиш ва сақлаш каби муҳим масалалар тартибга солинади.

Қонун лойиҳасини модда-ма-модда муҳокама қилиш пайтида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги кўп асрлик миллий тарих ва маданиятнинг ажралмас қисми бўлган археология мероси объектлари давлат томонидан ишончли муҳофаза қилинишининг муҳимлиги, уларни изчил ўрганиш ва тадқиқотлар натижаларини жаҳон жамоатчилигига етказиш, ёш авлодни тарихий фактлар асосида тарбиялаш зарурлиги устида тўхталиб ўтдилар. Мустақиллик йилларида халқимизнинг қадимий бой маданий меросини тиклаш ва тарғиб қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги, шу сабабли депутатлар бу масалага бундан буён ҳам катта эътибор қаратишлари алоҳида таъкидланди.

Муҳокама пайтида билдирилган фикр ва мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди. Қонун маъқуллаш учун Олий Мажлис Сенатига юборилади.

Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари А. Абдуназаров «Электр энергетикаси тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Қонун лойиҳасида электр энергетикаси соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, бу соҳадаги давлат назорати органларининг, мамлакат ягона энергетика тизимидаги электр энергияси ҳосил қилувчи корхоналарнинг ваколатлари, мазкур соҳадаги бошқа долзарб масалалар белгилаб берилган.

Қонун лойиҳасини модда-ма-модда муҳокама қилиш жараёнида депутатлар электр энергиясини ҳосил қилиш, узатиш ва сотишда бозор механизмларини ривожлантириш шароитларида Ўзбекистон Республикасининг электр энергетикасини янада такомиллаштириш зарурлигини қайд этдилар. Бунда электр энергиясини ҳосил қилувчиларнинг ҳам, истеъмолчиларнинг ҳам ҳуқуқ ва мажбуриятларини қонунчилик йўли билан тартибга солиш муҳимлиги таъкидланди. Электр таъминоти шартномасига кўра, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси бош ишончнома асосида истеъмолчига уланган тармоқ орқали электр энергияси етказиб бериш мажбуриятини олади, истеъмолчи эса фойдаланилган электр энергияси ҳақини ўз вақтида тўлаш, шунингдек, унинг шартномада назарда тутилган истеъмол қилиш режимига риоя этиш, ўзининг тасарруфидаги электр тармоқларидан фойдаланиш хавфсизлигини ҳамда электр энергияси истеъмоли билан боғлиқ ўзи фойдаланадиган приборлар ва асбоб-ускуналарнинг яроқлилигини таъминлаш мажбуриятини олади. Электр таъминоти шартномасининг тарафлар учун мажбурий бўлган шартлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига, бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Қонунчилик палатаси депутатлар киритган таклифларни ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, қонун лойиҳасини такомиллаштириш мақсадида масъул қўмитага ҳужжатнинг айрим ҳуқуқий нормаларини маромига етказиб, уни палатанинг кўриб чиқиши учун киритиш вазифасини топширди.

**(ЎзА).**

Олий Мажлис Сенатида



# ҚОНУН МУКАММАЛЛИГИ – ДАВР ТАЛАБИ

***Мамлакатимиз парламентининг юқори палатасида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг "Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 227-моддасига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бўйича ишчи гуруҳи йиғилиши бўлиб ўтди.***

Унда суд-ҳуқуқ органлари масъул ходимлари, олимлар ва экспертлар иштирок этди.

Ишчи гуруҳ йиғилишида қайд этилганидек, "Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 227-моддасига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни парламент қуйи палатасига Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан киритилган бўлиб, 2009 йил 26 май куни қабул қилинган ва Сенатга юборилган. Ушбу ҳужжатга биноан, Жиноят кодексининг 227-моддасида автомототранспорт воситалари ва уларнинг тиркамалари (ярим тиркамалари) учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини эгаллаш учун ҳам жавобгарлик назарда тутилмоқда.

— Ушбу Қонун амалиётда тўпланган маълумотлар таҳлили асосида тайёрланган, — дейди Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси М. Ражабова. — Хусусан, Ички ишлар вазирлиги маълумотларига кўра, 2006-2008 йилларда 4,3

**(Давоми 2-бетда).**

# «МЕНИНГ ЎЗБЕКИСТОНИМ»

***Яқинда Германияда машҳур немис сайёҳи Марга Крекелнинг ана шундай номланган китоби нашрдан чиқди. Муаллифнинг Ўзбекистонга уюштирган саёҳати таассуротлари баён этилган, 200 дан зиёд фотосуратлар билан безатилган ушбу китоб ўзида бугунги Ўзбекистон, ўзбек халқининг ҳаёти ва турмуш тарзи, анъаналари ҳамда урф-одатлари ҳақидаги ҳикояларни мужассам этган.***

**Биз ва жаҳон**

"Самарқанд ва Бухорони кўриш менинг болалик орзуим эди, — деб ёзади Крекель хоним китоб муқаддимасида. — Хауфф эртакларини берилиб ўқиган пайтларимдан бошлаб Шарқ романтикаси тўғрисида ширин хаёлга чўмганман. Кейинчалик Ўзбекистон, унинг Самарқанд, Бухоро, Хива каби гўзал музей-шаҳарлари, ушбу бетакрор ўлканинг меҳмондўст одамлари мени бутунлай ўзига мафтун этди. Ўзбек диёри бўйлаб саёҳатга ҳозирлик кўра туриб, мен бугунги Ўзбекистоннинг ҳаётига чуқуррoқ кириб бориш мақсадида ўзбек халқининг турмуш тарзи, тили, дини, анъаналари, маданияти ҳамда санъати тўғрисида имкон қадар кўпроқ маълумот тўплашга ҳаракат қилдим".

Китобнинг бошланиш қисмида муаллиф мамлакатимиз ҳудуди, аҳолиси, иқтисодиёти, табиий бойликлари, тили, дини ва дунёнинг етакчи давлатлари билан муносабатларига оид маълумотларни келтиради. Бугунги Ўзбекистоннинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида гапирар экан, муаллиф ўзбек халқи ўзининг кўп асрлик анъаналари ва урф-одатлари, миллий ва диний байрамларини кўз қорачиғидек авайлаб-асраётганини қайд этади. Шу ўринда Ўзбекистонда миллатлар ва динлараро тотувликни қўллаб-қувватлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда маҳалланинг тутган ўрнига алоҳида урғу беради.

Ўзбек миллий таомлари, халқимизнинг урф-одатлари, анъаналари ва тўй маросимлари немис сайёҳининг эътиборини ўзига тортади. Бу ҳақда сўз юритиб, М. Крекель хоним бой ўзбек пазандачилиги, мамлакатимизнинг турли минтақаларига хос бўлган урф-одатлар ва меҳмондўстлик анъаналари ҳақида ёзади. Қизиқувчилар учун у сомса, манти, чучвара каби бир қатор ўзбек миллий таомлари ва албатта, шоҳона таомимиз бўлган паловхонтўранинг тайёрланиш усулига оид маълумотларни келтиради.

Шунингдек, муаллиф дунё илм-фани ва ислом тамаддуни ривожига ўзининг беназир улушини қўшган буюк давлат ва дин арбоблари дафн этилган муқаддас қадамжолар зиёратидан олган таассуротлари билан ўртоқлашади. Мустақиллик йилларида ушбу қадамжолар тўлиқ таъмирлангани, ободонлаштирилгани ва барча учун зиёратгоҳ масканларга айлантирилганини қайд этади.

Муаллиф, шунингдек, Ўзбекистон заминида мавжуд ислом маданиятининг кўплаб дурдоналари ҳақида ҳикоя қилади. Хусусан, китобда Бухородаги Сомонийлар ва ҳазрати Баҳовуддин Нақшбанд мақбаралари, Самарқанддаги Гўри Амир ва Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуалари, Хивадаги Паҳлавон Маҳмуд мақбараси ва ислом санъатининг ноёб дурдоналари ҳисобланган бошқа кўплаб обидалар ҳақидаги ҳикояларни ўқиш мумкин.

Муаллиф асарда буюк давлат арбоби, саркарда, ўзбек халқининг ғурури бўлган соҳибқирон Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолиятига алоҳида эътибор қаратади.

Шунингдек, китобда Ўзбекистондаги савдо-сотиқ ва ҳунармандчилик соҳалари ҳақидаги ҳикоялар ўрин олган. Китоб муаллифи Буюк Ипак йўли, Ўзбекистоннинг қадимий ва гавжум бозорлари ҳақидаги қизиқарли маълумотларни ўқувчилар эътиборига ҳавола этган. Жумладан, китобхон Бухородаги Гумбаз бозори ва Лаби ҳовуз тарихи билан танишиши мумкин. М. Крекель хоним Ипак йўли ҳақида гапирар экан, бу йўл нафақат савдо-сотиқ ва ҳунармандликнинг ривожланишига, балки дунёнинг турли халқлари ўртасидаги маданий ва диний алмашинувга ёрдам берганини таъкидлайди.

Муаллиф китобхон эътиборини мамлакат ҳаётида энг диққатга молик тарихий саналарга қаратиб, улар қаторида, табиийки, Ўзбекистон ўз мустақил тараққиётининг янги тарих саҳифасини очган 1991 йил 1 сентябрни алоҳида қайд этади. Немис сайёҳи Самарқанд, Бухоро, Хива ва бошқа шаҳарларнинг бугунги ўрни ва аҳамияти ҳақида сўз юритган.

Китоб хотимасида муаллиф Ўзбекистон такрор ва такрор келишга арзигулик мамлакат эканини таъкидлайди. "Менинг болаликдаги орзуим ушалди, Ўзбекистонни ўз кўзим билан кўришга муяссар бўлдим. Бу шундай диёрки, мен у ерга юрагимнинг бир парчасини ташлаб келдим ва албатта, у ерга яна қайтиб бораман", деб ёзади М. Крекель хоним.

**Ш. УМИРОВ,**
**«Жаҳон» АА.**
Берлин

# Мамлакат бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

## Оролбўйи болалари ёзги оромгоҳларда

***Ҳар йили Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида яшовчи ўқувчилар ёзги таътиллари давомида Тошкент вилоятининг сўлим оромгоҳларида дам оладилар.***

Куни кеча Тошкент марказий темир йўл вокзалида Хоразм вилоятидан келган 600 нафар бола тантанали кутиб олиниб, махсус автобусларда Паркент туманидаги болалар оромгоҳларига юборилди. Эътиборли томони шундаки, болаларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун тумандаги "Сумча", "Бойчечак" оромгоҳларида барча шароитлар яратилган бўлиб, бу ерда улар турли тўгаракларга қатнашишлари, спорт-соғломлаштириш машғулотларида иштирок этишлари мумкин. Шунингдек, ахборот-ресурс маркази ҳам ўқувчилар ихтиёрида бўлади. Мавсум давомида Тошкент вилояти ҳудудидаги оромгоҳларда 3 минг нафар оролбўйилик болалар дам олишини ташкиллаштириш кўзда тутилган.

**Б. ШАЙВАЛИЕВ.**

***Урганч шаҳрида "Хоразм Агроминитех Экспо — 2009" минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг ихтисослаштирилган кўргазма-савдоси бўлиб ўтди.***

## Минтақавий кўргазма

Унда 20 та давлатнинг 70 дан ортиқ компания ва фирмасининг техника ва технологиялари намойиш этилди. Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидан 2 мингдан зиёд фермер хўжаликлари раҳбарлари ва тадбиркорлик субъектлари вакиллари қатнашди. Улар томонидан умумий қиймати 8 миллиард 450 миллион сўм миқдоридаги 137 та шартнома имзоланди.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

## Ўртача белгиланган иш ҳақи ошмоқда

**2009 йилнинг биринчи чорагида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан ўртача белгиланган иш ҳақи**

**40,2**



**фоиз ошди.**

Республикамиз раҳбарияти томонидан Инқирозга қарши чоралар дастурининг ўз вақтида қабул қилиниши, Президентимиз белгилаб берган мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишларининг амалга оширилиши туфайли шундай натижага эришилди.

***Хўжаобод туманидаги "Файз-М" хусусий трикотаж корхонаси 7 нафар ишчи билан фаолият бошлаган эди. Ҳозир бу ерда 70 нафар киши меҳнат қилмоқда.***

## Тадбиркор фаоллиги самараси

Дастлаб "Ҳамкорбанк" акциядорлик тижорат банкидан олинган 120 миллион сўм кредит эвазига замонавий дастгоҳлар келтирилди ҳамда тикув цехи ишга туширилди. Айни пайтда 25 нафар чевар иш билан таъминланди. Шу кунларда ака-ука тадбиркорлар — Фарҳодбек, Рустамжон ва Фаррух Зокировлар савдо дўкони қурилишини бошлаб юборган. Ушбу иншоот ишга тушгач, яна 30 киши доимий иш жойига эга бўлади.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Наманган вилояти соғлиқни сақлаш муассасаларига 17 та "Дамас" русумли махсус автомашина етказиб берилди. Ушбу "тез ёрдам" автомобиллари туманлардаги тиббий марказларга жўнатилди.***

## Тиббий муассасаларга 17 та автомашина

Уларнинг барчаси шошилинч ёрдам кўрсатиш ускуналари билан жиҳозланган. Тез орада яна 8 та шу русумдаги автоулов келтирилиши мўлжалланмоқда.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Қабул бошланди

***Мамлакатимиздаги янги олий ўқув юрти — Турин политехника университети илк бор абитуриентлардан ҳужжатлар қабул қилишни бошлади.***

Автомобиль инжиниринги, машинасозлик технологияси, энергетика саноати, қурилиш ва бошқа бир қатор соҳалар учун малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида ташкил этилган ушбу ўқув даргоҳида халқаро талаблар ва стандартлар асосида мутахассислар тайёрланади.

Янги ўқув йилида университетнинг тўртта — машинасозлик технологияси, энергетика, архитектура ва саноат дизайни, ахборот технологиялари, саноатдаги автоматлашган бошқарув тизимлари факультетлари 200 нафар талабага ўз эшикларини очади.

**И. ИСОМИДДИНОВ.**

***Ҳозирги кунда давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, холисанилло айтганда, кўпгина давлатларнинг бозор иқтисодиётига ўтиш моделларини синовдан ўтказмоқда. Эътиборлиси, Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотларнинг мақсадлари аниқ бўлгани, босқичма-босқич амалга оширилаётганлиги туфайли унинг иқтисодиётимизга таъсири унчалик сезиларли эмас. Бунинг асосий сабаби нимада? Масаланинг туб моҳиятини чуқур англаш учун, аввало, иқтисодий инқирозларнинг келиб чиқиш сабабларини билиш муҳимдир.***

# ЎЗБЕК МОДЕЛИ

## ёхуд унинг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг олдини олишдаги амалий аҳамияти хусусида

Жаҳон иқтисодиёти глобаллашувининг чуқурлашиб бориши, маълумки, халқаро савдонинг ривожланишига олиб келди. Бундай савдони доимий равишда кенгайтириш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш арзон кредит маблағларини иқтисодиётга жалб қилишни тақозо этади. Аммо иқтисодий сиёсат пухта ўйланган тизимли ривожланиш моделларига асосланмаган бўлса, давлатларнинг иқтисодий инқирозга учраши муқаррардир. Бу жараённи Аргентина ва Жануби-Шарқий Осиёда бўлиб ўтган иқтисодий инқирозлар мисолида яққол кўриш мумкин.

Аргентина иқтисодиёти бой табиий ресурслари, юқори малакали кадрлари, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг ривожланиш даражаси юқорилиги сабабли ўтган асрнинг 90-йиллари охиригача Лотин Америкаси ҳудудида жуда катта салоҳиятга эга бўлди. Жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш ҳажми бўйича Бразилиядан кейинги ўринни эгаллади. Иқтисодий тадбирлар изчил ўтказилиши натижасида 1997 йилда ЯИМ ҳажми 9 фоиз ўсиб, 1998 йилда инфляция даражаси бир фоизни ташкил этди. Лекин 2001 йилга келиб, Аргентинада иқтисодий ривожланишни бир неча йил орқага суриб юборган инқироз юз берди. Нега?

Инқирозгача бўлган даврда Аргентина ҳукумати давлат аҳамиятига эга бўлган корхоналарни хусусийлаштириб, давлатнинг иқтисодиётга аралашувини қисқартирди, импорт маҳсулотларига тарифларни пасайтириб, ички ишлаб чиқаришни ҳимоялашга қаратилган протекционизм сиёсатидан воз кечди. Аслида, иқтисодиётни эркинлаштиришга йўналтирилган мазкур тадбирлар маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатларига зид тарзда амалга оширилди. Хусусан, Аргентина миллий валютаси — песо АҚШ доллари билан 1:1 нисбатда муомалада бўлганлиги чет эл капиталининг мамлакатга кириб келишини кучайтирди. Натижада миллий иқтисодиёт хориж капиталига боғланиб қолди. Алмашув курсининг қатъий белгиланган режимда сақланиши оқибатида экспортчи маҳаллий ишлаб чиқарувчилар таназзулга учради.

Алмашув курсининг юқори қийматда қатъий ушлаб турилиши, ўз навбатида, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида ҳам қўшимча харажатларни юзага келтирди. Давлатнинг ташқи қарздорлиги юқорилиги экспортдан тушадиган валютанинг асосий қисмини хорижий кредит ва инвестициялар бўйича тўловлар учун сарфлашга мажбур қилди. Алмашув курси режими таъсирида импорт маҳсулотлари ҳажми мисли кўрилмаган миқдорда кўпайиб

**Мушоҳада**

кетди. Бу эса хорижий валютага бўлган талабнинг янада ошишига, юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқаришнинг қисқариши ва иқтисодиётда маҳаллий хом ашё улушининг ортишига олиб келди.

Пировардида, ташқи қарздорликни тўлаш учун 1991 йилда ялпи ички маҳсулотнинг 2 фоизи сарфланган бўлса, 1999 йилга келиб, бу кўрсаткич 10 фоизга етди.

Оқибатда 2001 йилнинг охирида янгидан ташкил топган ҳукумат 130 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги ташқи қарзни тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилди. 2002 йилнинг январида давлат томонидан долларга нисбатан икки поғонали курс режимининг жорий этилиши, айниқса, песонинг молиявий дефольт ҳолатини белгилаб, миллий валюта курсининг қадрсизланишига олиб келди.

Жануби-Шарқий Осиёда ҳам шунга ўхшаш ҳолат юз берди. Минтақага киритилган катта миқдордаги чет эл инвестициялари иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилмасдан, импорт маҳсулотлари ва молиявий бозорлардаги спекулятив операциялар орқали кўчмас мулк ва корхоналар акцияларига қўйилди. Фонд бозорида қимматли қоғозлар баҳоси реал мулк таъминотига номутаносиб тарзда кўтарилиб кетиши эса инқирозга сабаб бўлди.

Ўтган асрнинг 90-йилларидан кейин содир бўлган иқтисодий инқирозларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ривожланаётган давлатларни ривожланган давлатларга иқтисодий жиҳатдан қарам қилишнинг классик йўли ишлаб чиқилган бўлиб, унга мувофиқ, давлатнинг иқтисодиётни бошқаришга аралашуви чекланди, ҳукумат харажатлари камайтирилиб, аҳолини ижтимоий ҳимоялашга сарфланадиган маблағлар кескин қисқартирилди, ривожланган давлатларнинг фоиз ставкалари паст бўлган вақтда эса, ривожланаётган давлатлар иқтисодиётига катта миқдорда чет эл инвестициялари жалб этилди, қонунга хилоф равишда давлат тасарруфидаги корхоналар хусусийлаштирилган ҳолда, ички ишлаб чиқарувчилар манфаатларини ҳимоя қилишда қўлланиладиган импорт товарлари божлари олиб ташланди.

Буларнинг бари иқтисодиёт давлат томонидан унинг ривожланишини таъминловчи тизимлаштирилган модель асосида бошқарилиши муҳимлигини кўрсатмоқда.

Шу жиҳатдан қараганда, инқирозларнинг келиб чиқиш сабаблари, оқибатлари ва уларни бартараф этишга йўналтирилган чоралар асосида республикамизда олиб борилаётган иқтисодий сиёсат нечоғли тўғрилиги аён бўлади. Зеро, Президентимиз Ислом Каримов «Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» номли асарида давлат қурилиши ва иқтисодиётни ислоҳ қилиш бўйича белгилаб берган ва амалиётга изчил татбиқ этилаётган бешта тамойил, яъни иқтисодиёт сиёсатдан устун туриши, давлат бош ислоҳотчи бўлиши, қонун устуворлиги, бозор муносабатларини жорий этиш билан бир вақтда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан олдиндан таъсирчан чоралар кўрилиши ҳамда бозор иқтисодиёти объектив иқтисодий қонунлар талабларини ҳисобга олган ҳолда, пухта ўйлаб, босқичма-босқич амалга оширилиши кераклиги мамлакатимизни иқтисодий инқирозлардан сақлаш ва бошқа давлатларга тобе бўлмасликнинг мустаҳкам кафолатидир.

**Д**арҳақиқат, инқирозларнинг Ўзбекистон иқтисодиётига сезиларли даражада таъсир этмаётганлиги жамиятни ривожлантириш учун Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган «Ўзбек модели»нинг амалий аҳамияти жуда катта бўлганлигини яна бир карра исботлади. Бу эса «Ўзбек модели»да инқирозларнинг олдини олишга ва ривожланган давлатлар томонидан ривожланаётган давлатларни иқтисодий жиҳатдан тобе қилишга йўнатирилган сиёсатнинг республикамизда амалга оширилишига қарши барча йўналишлар назарий ва амалий жиҳатдан тўлиқ асослаб берилганининг самарасидир.

**Тўлқин РАСУЛОВ,**
**иқтисодиёт фанлари доктори.**

# ШИНАМ УЙ-ЖОЙЛАР

## ҳам кўрк, ҳам қувонч

***Юртимизда бунёд этилаётган чиройли ва шинам уй-жойлар шаҳар ва қишлоқлар кўрки бўлибгина қолмай, шу ерда яшовчиларнинг илдиз отиб, палак ёзадиган, бир умр талпиниб ўтадиган, иссиқ-совуқ йиғинларини ўтказадиган, фарзандларига мерос қолдирадиган муқаддас бошпана ҳамдир. Бугун ҳар бир инсон ўз уйининг замонавий ва кўркам бўлишини, қуёшга қараган айвонлари кулиб туришини орзулаётганининг боиси шунда.***

Шу маънода, Президентимизнинг жорий йил 29 январида қабул қилинган "Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори халқимизнинг азалий қадриятларини улуғлашга, инсоннинг ҳеч кимдан кам бўлмай яшаши, ҳаёт кечириши, умргузаронлик қилишига қаратилгани билан ғоят аҳамиятлидир.

Бу ҳужжат асосида эса вилоятларнинг барча шаҳар ва туманларида, уй-жой фонди объектларини фойдаланишга тайёр ҳолда топширувчи ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари ташкил этилди.




— Илгари қурилиш соҳасида ишлаб, катта тажриба тўплаган бинокорларни, жойлардаги қурилиш йўналишидаги касб-ҳунар коллежларининг битирувчиларини танлов асосида ишга қабул қилдик, — дейди Қўрғонтепа қурилиш-таъмирлаш хусусий корхонаси раҳбари Пўлатжон Бадалов. — Бугунги кунда юртимиз кўркига кўрк қўшадиган уйлар қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш, таъмирлаш, безаш сингари бири иккинчисига уланиб кетадиган юмушларни бажараяпмиз.

Андижон шаҳрининг Бобур шоҳкўчасида ҳар бири 32 оилани ўз бағрига олган 3 та кўп қаватли бино фойдаланишга топширилганидан хабарим бор эди-ю, аммо уни бориб кўрмаган эдим. 96 та ёш оилага қувонч бахш этган бу биноларнинг бошқаларидан фарқи ер билан осмонча. Уларда миллий меъморчилик анъаналари билан замонавийлик уйғунлашиб кетган. Муҳандислик-коммуникация тизимлари, безаш ишлари беками-кўст бажарилган. Болажонларнинг яйраб ўйнашлари, ҳар бир кунини мароқли ҳамда мазмунли ўтказишлари учун қатор қулайликлар яратилган. Мавжуд майдонлар кўкаламзорлаштирилган, тунларни чароғон этувчи чироқлар ўрнатилган.

Маълумки, бир бинони тиклаш ёки таъмирдан чиқаришни зиммасига олган қурилиш ташкилоти, бу юмушлар билан бирга, электр жиҳозларини монтаж қилиши, сув, газ, иссиқлик билан таъминлаши, чиқиндиларни чиқариши, канализация ҳамда ирригация тизимларини бунёд этиши зарур. Бундай муҳим вазифаларни бир фирманинг ўзи уддалай олмаслиги тайин.

— Қурувчи бўлмай туриб, шароит тақозоси туфайли бирданига бинокорга айланиб қолганларнинг ҳаммасининг ҳам махсус техник ҳужжатларга тишлари ўтавермайди, — мулоҳаза билдиради шу тумандаги "Савай қурилиш-таъмирлаш" хусусий корхонаси етакчиси Баҳодир Каримов. — Айниқса, қурилиш ишларини бажариш учун лицензиянинг йўқлиги кўп мушкулликларни келтириб чиқаради. Шундай иморатлар борки, асрлар билан бўйлашади, баъзиларининг эса бўёғи қуримай туриб, сувоғи кўчиб тушади. Айтмоқчиманки, бинони таъмирдан чиқарган ёки уни барпо этган ташкилот ўз зиммасида масъулиятли жавобгарлик борлигини унутмаслиги керак.

Бугунги кунда туманда 3 та қурилиш-таъмирлаш ташкилоти фаолият юритмоқда. Қурилиш соҳасида узоқ йиллар ишлаб, катта тажриба тўплаган мутахассислар уларга раҳбар этиб тайинланган. Бу ташкилотларга, шунингдек, жойларда бўш турган бинолар, омборлар, базаларнинг майдонлари ажратиб берилган, транспорт воситалари билан таъминланган. Жумладан, "Савай қурилиш-таъмирлаш" раҳбари Баҳодиржон Каримов Фарғона политехника институтини битирган. Олий маълумотли муҳандис-қурувчи Баҳодиржон ўзига ишониб топширилган янги ташкилотга малакали мутахассисларни жалб қилар экан, эътиборни ўша қурувчиларнинг ихтисосига қаратди. Айтайлик, Қобилжон Орипов дурадгор-уста. Орибжон Боқиев — пайвандчи. Шавкатбек Умаров — қўли гул сувоқчи-пардозловчи. Улар айни кунларда Султонобод қишлоғидаги 33-умумтаълим мактабини таъмирдан чиқармоқдалар. Бундан ташқари, фермер хўжаликларидан олтитаси шинам шийпон биноларини тиклаш юзасидан буюртма бериб, 90 миллион сўмлик шартномани имзолаган.

— Янги ихтисослаштирилган ташкилотларни иложи борича ўзимизда ишлаб чиқарилган қурилиш материаллари билан таъминлашга ҳаракат қилаяпмиз, — дейди туман ҳокимининг ўринбосари Мухторжон Қодиров. — Шундай йўл тутилса, тикланаётган ёки таъмирдан чиқарилаётган иншоотлар таннархи анча арзон тушади. Шуни ҳисобга олиб, "Султонобод" массивида ғишт заводи қуришга киришдик. Унинг лойиҳа қиймати — 250 миллион сўм. "Ўзсаноатқурилишбанки"нинг Хонобод бўлимидан ҳозирга қадар 150 миллион сўм кредит олинди. Бу маблағнинг 100 миллион сўмига Хитойдан энг замонавий технологиялар келтирилди. Янги корхона ишга тушгач, бу ерда йилига икки миллион дона пишиқ ғишт тайёрланади, ўттиз киши иш билан таъминланади.

**Д**арҳақиқат, андижонлик бунёдкорлар Президент қарори ижросини изчил рўёбга чиқариш мақсадида янги-янги иморатларни бунёд этиб, вилоят қиёфасини тубдан ўзгартирмоқдалар. Ана шу иншоотлар эса Ватанимиз Мустақиллигининг 18 йиллик тўйига ажойиб туҳфа бўлади.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

# ҚОНУН МУКАММАЛЛИГИ — ДАВР ТАЛАБИ

мингта автомототранспорт воситалари давлат рақами белгилари йўқолган бўлиб, улардан 32 ҳолатда ушбу рақам белгилари ўғирланган ва тегишли жиноят иши қўзғатилган. Бироқ автомототранспорт воситалари давлат рақами белгилари мулк саналмайди. Шу боис у Жиноят кодексининг 169-моддаси таъсир доирасига тушмайди. Умуман, жиноят қонунчилигида бундай ҳаракатлар учун жавобгарликни назарда тутувчи нормалар мавжуд эмас. Бу эса ушбу турдаги қилмишларни фош этишга қаратилган тезкор-қидирув ва терговь ҳаракатларини олиб боришга тўсқинлик қилиб, ўғирланган давлат рақами белгиларидан бошқа жиноятларни содир этишда фойдаланиш эҳтимолини оширмоқда.

Экспертлар мазкур Қонун юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини, таклифларини билдиришди. Муҳокама этилган масала бўйича ишчи гуруҳ хулосаси қабул қилинди.

**Қ. ХИДИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# МАҲСУЛОТ СИФАТИ — КОРХОНА САЛОҲИЯТИ




***Ҳар қандай маҳсулотни ишлаб чиқаришда, аввало, унинг сифати халқаро меъёр ва талабларга жавоб бериши катта аҳамиятга эга. Зотан, маҳсулот сифати — корхона кўзгуси. Ана шу қоидага амал қилинса, корхонанинг салоҳияти юксалиши, шубҳасиз.***

Республикамизда маҳсулотлари халқаро андозаларга жавоб бериб, жаҳон бозорларида ўз ўрнини топаётган корхоналар сони йилдан-йилга кўпайиб бораётгани қувонарлидир.

Тошкент шаҳрининг Бектемир туманида фаолият кўрсатаётган "Kentavrus DPKS" хорижий корхонаси — шулардан бири. Бу ерда тайёрланаётган тери маҳсулотлари, асосан, экспортга чиқарилади. Уч йил ичида ушбу корхона харидорлар ишончини қозониб, Ўзбекистондаги чарм бозорининг фаол иштирокчисига айланди. Бунда терини ошлаш, тўлиқ ишлов бериш, бўяш жараёнлари Европа технологиялари асосида амалга оширилаётгани муҳим омил бўлмоқда.

Ўтган йили хориждаги ҳамкорлар билан тузилган шартномалар бўйича 182680171 сўмлик маҳсулот экспортга жўнатилди. Бу йил мазкур кўрсаткич янада ортиши кутилмоқда. Чунки "Kentavrus DPKS" масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқариш фаолияти йилдан-йилга кенгайиб бораётир. Жумладан, "John tripolitsiotis sons O. E" Греция фирмаси муассислигида унинг жамғарма фонди 595468 долларга етказилиб, ана шу маблағ ҳисобига маҳсулот турини кўпайтирадиган ва энг аъло сифатли маҳсулот тайёрлайдиган янги линиялар ишга туширилди. Натижада ҳозирги вақтда корхонада ойига 2000 дона тери қайта ишланаётир.

Янги линия шарофати туфайли, шунингдек, 50 та янги иш ўрни яратилган бўлса, яқин келажакда яна бир қанча замонавий линиялар ўрнатилиб, қўшимча 150 нафар киши ишга жалб этилади.

**Б. АКРАМОВ олган сурат.**

**Излаииш**

# ВОБКЕНТДА ЯНГИ КОРХОНА

**Вобкент туманида замонавий дастгоҳлар билан тўла жиҳозланган "Вобкенттекс йигирувчи" унитар корхонаси иш бошлади.**

Ҳозир бу ерда 90 нафарга яқин киши меҳнат қилмоқда. Корхона тўла қувват билан ишлай бошлагач, ишчилар сони икки баробарга ортади ҳамда тайёрланаётган ип-калава ҳажми йилига тўрт минг тоннага етказилади.

Маҳсулотнинг асосий қисмини корхонанинг Россиядаги "Савдо уйи" орқали сотиш мўлжалланмоқда.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Мамлакатимизда хотин-қизлар муаммоларини ҳал этиш, турмуш фаровонлигини яхшилаш, уларнинг жамиятдаги фаоллигини янада ошириш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг "Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида", "Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ва бошқа бир қатор фармонлари бу борада улкан аҳамият касб этди.***

# АЁЛ ҚАДРИ УЛУҒЛАНГАН ЮРТ

**Б**ироқ масаланинг иккинчи томони шундаки, хотин-қизлар мавжуд имкониятлардан қай даражада фойдалана олаяптилар? Бундай дейишимизнинг ўзига яраша сабаблари бор, албатта. Чунки мамлакатимизда аёлларнинг бандлик масаласига жиддий эътибор қаратилаётган бўлишига қарамай, баъзи опа-сингилларимизда енгил-елпи ҳаёт кечириш одат тусига айланиб қолмоқда. Энг ачинарлиси, айни илм олиш ёхуд бирон бир касбни эгаллаш ўрнига мўмай даромад топиш илинжида юртма-юрт кезиб, сарсон бўлаётир.

Рухсорага (исми ўзгартирилган) ота-онасининг бирор касбни эгаллаши ҳақидаги гап-сўзлари заррача таъсир қилмайди. Чунки у ҳунар эгаллашдан кўра, кўпроқ пул топишни, пулинг бўлса чангалда шўрва, деган ақидани миясига қуйиб улгурган эди. Дастлаб бозорда савдо-сотиқ билан шуғулланади. Таниш-билишлар орттиради. Ана шундай кунларнинг бирида айрим "олғирлар"нинг домига илинади. Уларнинг чиройли ҳаёт, данғиллама уй-жой, машина тўғрисидаги алдовлари қизни батамом ром қилиб қўяди, хорижда ишлашга рози бўлади. Алдовнинг қурбонига айланганини, гулдай умрини хазон қилганини англаганида эса анча кеч эди...

Бу воқеани бежизга келтирмадик. Рухсора сингари қизларнинг ваъда қилинган "чиройли" ҳаёт домига тушиб қолаётгани ташвишланарлидир.

Маълумотларга кўра, дунё бўйича одам савдоси жиноятидан жабрланганларнинг 80 фоизини аёллар ва ёш болалар ташкил этмоқда. Ҳар йили 600 мингдан 800 минггача аёллар ва болалар алдов йўллари билан сотиб юборилмоқда. Мамлакатимизда шу каби жиноят қурбони бўлаётган хотин-қизларнинг борлиги ҳар биримизни ўйлантиради, мулоҳаза юритишга ундайди.

— Бугунги кунда Ватанимизнинг ўзида эркин меҳнат фаолияти учун шунчалик реал имкониятлар, ҳуқуқий база мавжуд бўла туриб, қандайдир хорижий мамлакатларда иш қидириб, сарсон-саргардон бўлаётганлар, афсуски, орамизда учраб турибди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Зуҳра Ботирова. — Баъзи ҳолларда ўша давлатлар фуқароларининг ўзи бажармайдиган энг тубан ишларни бажариб, эрки, хоҳиш-иродасидан ажралиб, "одам савдоси" жабрланувчисига айланган аёлларимиз, ёш қизларимизнинг ўзга юртда азият чекаётганига ачинасан, киши. Бу масала ҳар биримиздан масъуллик талаб қилади. Қолаверса, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари мамлакатимизда қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар билан тўла таъминланган. Ҳамма гап ана шу имтиёзлардан ўз ўрнида ва вақтида фойдалана олмаётганликдадир. Бунинг учун аҳоли, айниқса, уйда ўтирадиган аёлларда ҳуқуқий ва иқтисодий саводхонликни янада ошириш талаб этилади.

**Бандлик**

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси маълумотларига кўра, давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 299-сонли қарорига мувофиқ, 2005-2007 йилларга мўлжалланган хотин-қизларни иш билан таъминлаш дастури тўла ижро этилган. Бунга кўра, ушбу йиллар давомида 614,4 минг нафар (ҳар йили 205 минг нафар) аёл иш билан таъминланди. 2008 йилдан бошлаб эса Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда ҳудудий ҳокимликлар ҳамкорлигида бир йилга мўлжалланган хотин-қизларни иш билан таъминлашга қаратилган ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилмоқда.

2008 йил давомида ушбу ҳудудий дастурлар доирасида республика бўйича хотин-қизлар учун жами 305872 та янги иш ўрни яратилган. Шундан кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 158870 та, уй меҳнатини ташкил қилиш орқали 107241 та, ижтимоий ва бозор инфратузилмаларини ривожлантириш ҳисобига 15173 та янги иш ўрни яратилган. Бу иш ўринларининг асосий қисми аҳоли зич жойлашган Фарғона водийси вилоятлари ҳамда Бухоро, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятлари ҳудудига тўғри келади.

Шунингдек, оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш орқали аҳоли бандлиги ҳам етарлича таъминланаётир. Бу борада ҳам ҳудудий хотин-қизлар қўмиталари томонидан муайян ишлар бажарилмоқда. Жумладан, касаначиликни кенг татбиқ этиш натижасида биргина Бухоро вилоятининг Когон туманида 2008 йилнинг ўзида 970 та янги иш ўрни яратилди. Касаначилар томонидан 48 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган. Бундан ташқари, қишлоқ жойларида яшайдиган хотин-қизларнинг ишлаб, даромад топиши учун вақтинчалик иш ўринлари барпо этиляпти. Бу эса, ўз навбатида, уларнинг ижтимоий фаоллигини таъминлашга хизмат қилади.

Дарҳақиқат, аёл киши ўзи ишлаб даромад топса, у мустақил бўлади ва ўзини ўзи ҳимоя эта олади. Ҳар қандай иш аёлнинг мустақиллиги, фаровон турмуш тарзининг муҳим шартидир.

— Ҳар ким интилса, ҳаракат қилса, барча ўйлаган ниятлари амалга ошар экан, — дейди пойтахтлик тадбиркор қиз Дурдона Мансурова. — Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамкорлигида ўтказилган "Ёш тадбиркор аёллар" танловида ғолиб чиқишим ўзимга бўлган ишончни янада мустаҳкамлади. Танловда олган грантим эвазига тўй ва оқшом либосларини тикиш ҳамда ижарага беришга мўлжалланган салон очдим. Ҳозирда ишларимиз жуда юришиб кетди. Бугун мамлакатимизда биз ёшларга, айниқса, аёлларга берилаётган имкониятлардан тўлалигича фойдаланишимиз, билим ва ҳунаримизни тенгдошларимизга ўргатишимиз зарур ва шарт, деб ҳисоблайман.

Тан олиш керак, бугун Дурдонага ўхшаган тадбиркор, ишбилармон қизлар орамизда талайгина. Суҳбатдошимиз таъкидлаганидек, уларнинг ўз истеъдодларини намоён этишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, биргина 2008 йил давомида "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки томонидан тадбиркорлик билан шуғулланаётган ва ушбу фаолият тури билан шуғулланиш истагида бўлган хотин-қизларга 13,2 миллиард сўм миқдорида микрокредитлар ажратилиб, 16 минг 22 та иш ўрни яратилган. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг қабул қилиниши бу йўналишда туб бурилишни бошлаб берди.

Аёллар муаммоси фақат уларга тегишли бўлган идораларникигина эмас, балки бутун жамиятга тааллуқлидир. Зеро, оилани оила қиладиган, умримизга маъно-мазмун бағишлайдиган, бизни одамийликка, ҳақиқий инсон бўлишга ундайдиган аёлнинг қадри, меҳнати, орзу-интилишларини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди.

**Зиёда АШУРОВА.**

